

## Пудрат шартномаси

Андижон шаҳри

№С-2022-1

2022 йил «12»август

« Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Кишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Андижон вилоят филиали номидан Ишончнома асосида иш қўрувчи директор Б.Мўминов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва «Бунёдкор универсал қурилиш инвест» МЧЖ номидан, ҳаракатдаги Низомни асосида иш юритувчи иккинчи томондан кейинги А.Қобулов ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Атамалар

#### 1.1. Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:

- «ижро ҳужжатлари»: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар, ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар, оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб - ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- «лойиха-смета ҳужжатлари» (ЛСХ): объект қурилиши учун лойихалаш институти томонидан тайёрланган ишлар ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган ҳужжатлар тўплами;
- «қурилиш майдони»: - шартнома (контракт) доирасида, барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйиладиган ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.
- «вақтинчалик ишлар»: - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар тилдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- «беркитилган ишлар»: ишни сифати ва яқунланганлигини кейинги ишлар бажарилгандан сўнг аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- «жорий молиялаштириш»: шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич молиялаштириб бориш;
- «маблағ билан таъминловчи орган»: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблағ билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги, вилоят, шаҳар молия бошқармаси.

### II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, Андижон шаҳри Коратут МФЙ 5-кичиқ даҳасидаги хизмат ўйлари учун ичимлик ҳамда оқова сув тармоғи қурилиши объектини фойдаланишга топшириш тўғрисида, қурилиши ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш ва маблағ билан таъминловчи орган томонидан маблағ ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Мазкур шартнома бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «11» май 2018 йилдаги ПҚ-3713С-сонли қарори ҳамда 2022 йил «3» августдаги <http://etender.uzex.uz> сайтига жойланган ЛОТ №22110012131484 Энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали танлаб олинган ва тасдиқланган. Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий йилдаги молиялаштириладиган маблағ **79 650 000 (етмиш тўққиз миллион олти юз эллик минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;
- Пудратчи ташкилот солиқ тўловчи сифатида бошқа солиқ турига ўтканда тендер савдоси натижасида аниқланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни объектни лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;
- қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахбарот бериш;
- шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;

- курилиш майдонини, ундаги курилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни курикланишини таъминлаш.

- Пудратчи ҳисобот ойнанинг 27-28-кунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва киймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган курилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;

- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета ҳужжатларда аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вақтида хабардор этиш;

- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- объектда курилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш.

- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари яқунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш;

- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни курилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.

- объектни курилишида юзага келадиган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;

- Курилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;

- Иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари яқунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) **намунавий шаклдаги** ахборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиха-смета ҳужжатларини, яроқли бўлган курилиш майдонини курилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилганидан сўнг пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши.

## VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан этибордан 60 кунни ташкил этади.

6.3 Шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофиқ, биринчи бўнак (аванс) тўлови тушган кундан бошлаб, танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ҳисоб-китоб қилинади. Пудратчи шу кундан бошлаб, бажарилган ишлари учун Буюртмачи томонидан асосли равишда молиялаштириш кечиктирилган ҳолларда ҳам, ўзининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган айланма маблағлари ёки кредит маблағлари ҳисобидан ишларни бажариши, объектни шартномада белгиланган муддатда фойдаланишга топшириши шарт ҳисобланади.

6.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

6.5. Пудратчи иншоотни (объектни) Давлат қабул Хайъатининг фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги далолатномаси асосида топширганлиги ва курилиш-монтаж ишлари 100 фоизга бажарилганлиги ҳақидаги далолатномаларни (счёт-фактура Ф-2, Ф-3) Буюртмачига топширгандан сўнг ишлар бажарилган ҳисобланади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига шартнома бўйича 2022 йил бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30 фоизгача ўтказиладиган бўнак (аванс) **23 895 000 (йигирма уч миллион саккиз юз тўқсон беш минг) сўм** ни ташкил этади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ҳамда курилишга бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағларнинг ажратилганлиги асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, 2022 йил бажариладиган ишлар кийматининг 90 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми суммасидан олдин туланган бунак маблағи ва 10% лик кафолат суммаси мутаносиб равишда олиб қолиниб) амалга оширилади, бу **79 650 000 (етмиш тўққиз миллион олти юз эллик минг) сўм**ни ташкил этади.

7.4 Бажарилган ишнинг кафолатли муддати 1 йил бўлиб, ушбу муддат тамом бўлгандан кейин – ишлар умумий кийматининг 10 фоиз қолдиқ суммасининг тўлови, Буюртмачи томонидан талаб қилинган ҳужжатлар Пудратчи

томонидан Буюртмачига такдим этилганидан сўнг амалга ошириладиган **8 850 000 (саккиз миллион саккиз юз эллик минг) сўми** бюджетдан еки амалдаги конунларга зид булмаган бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Шартномада кўзда тутилган барча туловлар республика, маҳаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошқа манбалардан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра молиялаштириш кечикканда, Буюртмачи жавобгар бўлиб ҳисобланмайди.

7.7. Тендер нархидан ташқари, технология талаби ёки юқори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топширик бўйича бажарилган қурилиш монтаж ишлари қиймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблағ ажратилгандан сўнг, тулов амалга оширилади.

7.8. Маблағ тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низо ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жараёнига маблағ билан таъминловчи органнинг жалб қилиниши таъминланади.

### **VIII. Ишларни бажариш.**

8.1. Буюртмачи, қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига топширади.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қарор қилади.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтари юрилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмас, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жихозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан қаида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жихозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жихозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб урнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огохлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб килиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ун кундан кам булмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар бержитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ бержитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очипга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ва муддатини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуруб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чиқариб ташлайди.

8.19. Агар техник ҳужжатларга узгартириш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган қушимча ишлар қиймати жихатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий қийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник ҳужжатларга узгартириш киритишга ҳақли.

#### **IX. Ишларни кўриклаш.**

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудлаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2. **Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жихозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар буюртмачининг эъмомасида бўлади.**

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.**

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тулик бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этилади.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартишлар киритилади.

10.2. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда куп вақтда чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиши олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

11.1. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиш тугаллаган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган кондаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида уни қабул қилишни амалга оширади.

11.3. Пудратчи, қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқларининг тайёрлиги тугрисидаги ҳулосаларини, муҳандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

11.5. **Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан ва қурилиш-монаж ишлари 100 фозга бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома (счёт-фактура Ф-2, Ф-3) Буюртмачига топширилгандан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.**

#### **XII. Кафолатлар.**

12.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тулик ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, кондалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;
- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жихозлар қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ

органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;

- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги қафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектда ўрнатилган муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг қафолат муддати мазкур шартноманинг 7.4 бандида белгиланган..

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуқсонлари аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжагнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қатнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектурақурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади.

### **XIII. Шартнома бекор қилиш**

#### **13.1. Буюртмачи:**

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдиқ ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдиқ ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

#### **13.2. Пудратчи:**

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишлари бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50 - фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5% фоизи миқдорда жарима тулайди.

14.4. Пудратчи объектни уз вақтида битказиш ва фойдаланишга топшириш бўйича уз мажбуриятларини бажармаганлиги ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳақидаги далолатномани (счёт-фактура Ф-2, Ф-3) Буюртмачига топширмаганлиги уз учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вақтида бажармаса, иншоотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини уз вақтида расмийлаштирмаса, ва қурилиш-монтаж ишларини 100 фоизга бажарилганлиги ҳақидаги Ф-2, Ф-3 далолатномасини (счёт-фактура) топширмаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,04% миқдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси бажарилмаган (100 фоизлик Ф-2, Ф-3 далолатнома счёт-фактурада курсатилган) ишлар қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоиз миқдорда, бироқ бартараф этилмаган камчилик ва нуксонлар қийматининг 50 фоизидан ортик булмаган миқдорда пеня тулайди.

Пеня тулаш, Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли кафолат тўлови ҳисобидан ушлаб қолади.

14.7. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Давлатархитектурақурилиш вазорати» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар қийматининг 50% фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиққанда низо хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шугулланган ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиха-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуксонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни хал этиш тиртиби.

15.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди томонидан хал этилади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

#### XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари уз қучини йўқотади.

16.2. Пудратчи шартноманинг амал қилиш даврида ўз номини, банк реквизитларини ўзгартирган тақдирда 2 кун муддат ичида Буюртмачини ёзма равишда хабардор этиши шарт. Аниқланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида қўшимча келишув расмийлаштирилади.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.4. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат орқали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

16.5 Шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сақланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.6. Шартнома 2022 йил 31 декабр қуни охирига қадар амалда бўлади.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

«БЮУРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Андижон филиали	«Бунёдкор универсал қурилиш инвест» МЧЖ
Андижон шаҳри Фитрат кўчаси 214 уй	Манзил: Андижон шаҳар 3-кичик даха 29 уй
Тел: 74-223-70-71	Тел: 98-107-17-19
ИНН 301291517 ОҚОНХ 69000	ИНН 305 468 125
П/М 301121860034017063201110376	Х/Р 2020 8000 9008 6725 7001
ЎЗР Молия Вазирлиги Газначилиги	М/Ф 00082
Ўгона Газна У/в 4402000300100001010	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Андижон минтақавий филиали
МВ: ИКМТ Тошкент ш.	
МФО 00014, С/РП 201122919	
Раҳбар: М.У. Б.Мўминов	Раҳбар: А.Қобулов
	М.У.



